O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 15

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 3 июнь, № 106 (3905) Шанба

ҲАМКОРЛИК ЯНГИ ШАКЛ ВА МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни Оқсаройда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди.

Г.Рапота жорий йилнинг январида ҳам Ўзбекистонда бўлиб, Президентимиз билан учрашган ҳамда турли вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказган эди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистоннинг Ҳамжамиятга аъзо бўлиши билан боғлиқ ҳуқуқий жараёнларни якунига етказиш борасидаги масалаларни муҳокама қилиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

— Ўзбекистон Ҳамжамият сафидан расман жой олган бўлса-да, буни ҳуқуқий жиҳатдан тўла расмийлаштириш учун ҳали анча иш қилиниши керак, — деди Ислом Каримов. — Сиз билан ҳар бир учрашувимиз бу борадаги ишларни такомиллаштириш учун фойдали бўляпти.

Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон аъзо бўлган ушбу тузилма бугунги кунда самарали фаолият олиб бораётган минтақавий



ташкилотлардан бири ҳисобланади. Ҳамжамият доирасида иқтисодий ҳамкорликни янги шакл ва мазмун билан бойитиш, ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, Божхона иттифоқини ташкил этиш билан боғлиқ барча масалалар жорий йилнинг охиригача ҳал қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистон жорий йилнинг январь ойида Ҳамжамиятга аъзо бўлди. Шу қисқа давр ичида кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиш палласига кирди. Хусусан, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Парламентлараро ассамблеясининг куни кеча Минск шаҳрида ўтказилган навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз делегацияси иштирок этди. Унда Ўзбекистон томони Агросаноат сиёсати, табиатдан фойдаланиш ва экология бўйича комиссияга раҳбар этиб тайинланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон вакиллари Ҳамжамият органлари томонидан ташкил этилган транспорт, банк-молия ва божхона соҳалари вакилларининг учрашувларида ҳам фаол иштирок этди.

Ҳозирга қадар мамлакатимиз Ҳамжамият доирасидаги 21 ҳужжатга қўшилган. Айни пайтда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан, Давлатлараро кенгаш қарорига мувофиқ, бошқа ҳужжатларга ҳам қўшилиш, мавжуд ички қонунларга зарур ўзгартиришлар киритиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ўртасидаги кенг қамровли алоқаларнинг бугунги аҳволи ва келажакда биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар,. Ҳамжамиятнинг навбатдаги саммити кун тартиби хусусида фикр алмашилди.

Г.Рапота бу галги ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Иқтисодиёт вазирликларида ўтказган музокаралари самарали бўлганини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА).

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ГАЛЕРЕЯ БИЛАН ТАНИШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг Бош котиби Григорий Рапота қатор вазирликларда бўлиб, музокаралар олиб борди. Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясини бориб кўрди.

Меҳмон бу ердаги нодир экспонатларни кўздан кечирар экан, ўзбек халқи мустақиллик йилларида маънавий қадриятларини тиклаш, миллий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида ўрнак бўлгулик ютуқларга эришганини алоҳида таъкидлади.

— Галереядаги санъат асарларининг ранг-баранглиги кишини ҳайратга солади, — деди Г.Рапота. — Шу боис улар ҳар қандай одам эътиборини дарҳол ўзига жалб қилади.

(ЎзА).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафга Ўзбекистон Республикасининг ушбу мамлакатдаги Элчиси Ойбек Усмонов ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида П. Мушарраф Президент Ислом Каримовнинг май ойида Покистонга буюрган расмий ташрифи муҳим бўлганини таъкидлар экан, Ўзбекистон раҳбари билан музокаралар муваффақиятли ўтгани ва улар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этганини билдирди. У, шунингдек, Покистон нуқтаи назарларини ҳам икки томонлама даражада, ҳам кузатувчи сифатида ШҲТ доирасида қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди.

П.Мушарраф Ўзбекистон — Покистон муносабатлари даражасини ижобий баҳолади ва улар барча соҳаларда муваффақият билан ривожланишига умид билдирди.

"Жаҳон" АА.

Саудия Арабистонида Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти

Ар-Риёд шаҳридаги подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг араб тилида нашр этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Саудия Арабистони подшоҳлигидаги ижтимоий-сиёсий, илмий ва ишбилармон доиралар, етакчи таҳлил марказлари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимот қатнашчиларига Ўзбекистон раҳбариятининг маънавий-диний ва миллий-маданий қадриятларни тиклаш борасидаги сиёсати, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар И. А. Каримовнинг бу китоби ўз вақтида нашр этилгани ва у айрим Ғарб оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистонга қарши олиб бораётган ахборот урушига берилган жавоб бўлганини қайд этишди. Турли кучларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнаш келаётган Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг барқарорлаштирувчи роли, мамлакатимизнинг минтақадаги хавфсизликни мустаҳкамлашдаги муҳим ўринга эгалиги таъкидланди.

Ислом тадқиқотлари маркази етакчи илмий ходими Абдураззоқ Ҳаммуд Захроний терроризм чегара билмаслиги ва унинг муайян бир дин ёки сиёсий тизим билан боғлиқ эмаслигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра тинчлик ва бағрикенглик дини бўлган Ислом терроризм ва экстремизм билан ҳамоҳанг бўлиши мумкин эмас. Ушбу ўзаро боғлиқ икки кўриниш барча халқларга бирдай таҳдид солади ва уларга қарши самарали курашиш учун давлатлар ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ташкилотлар доирасида кўптомонлама ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиш палласига кирди. Хусусан, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Парламентлараро ассамблеясининг куни кеча Минск шаҳрида ўтказилган навбатдаги йиғилишида бағрикенг ислом мусулмон жамиятларининг ривожланиш талаблари билан уйғунлаша олишига йиғилганлар эътиборини қаратди. Ўзбекистоннинг маърифатли ва бағрикенг исломни қарор топтириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Бу унинг фикрича, нафақат республикада ички барқарорликни сақлаб қолишга, балки бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари чиқишларида жаҳон илмий, диний ва маданий маконида Ўзбекистоннинг ўрни ва ролига тааллуқли бошқа муҳим жиҳат ҳам муҳокама этилди. Мовароуннаҳр олим ва мутафаккирларининг нафақат ислом, балки умумбашарий цивилизацияга бебаҳо ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Кеча қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантиришда электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Жамиятни либераллаштириш, ахборот очиқлиги ва эркинлиги шароитида электрон ОАВда парламент фаолиятини оммалаштириш, унинг жамият билан алоқаларини ривожлантириш, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари ҳамда билдирилган таклиф-мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқариш ушбу тадбирнинг асосий мақсадлари этиб белгиланди.

Семинарда парламент ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг ўрни ва роли, қуйи палата фаолиятини ёритишда радионинг ўрни, парламент ишини нодавлат электрон ОАВда ёритишдаги ўзига хос хусусиятлар, ушбу фаолиятни интернет журналистикасида ёритилиш имкониятларига бағишланган маърузалар тингланди.

* * *

Шунингдек, кеча Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган вилоятидаги ижросини ўрганиш юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунлари бўйича кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоятда мазкур қонун ижроси бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Хусусан, мутасадди ташкилот ва муассасалар ушбу йўналишда тизимли ишларни йўлга қўйган. Вилоятнинг аксарият ўқув муассасаларида ёшларни ҳарбий хизматга чақирувгача тайёрлаш ишлари талаб даражасида ташкил этилган. Бунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят бўлимлари, айниқса, фаол иштирок этишган.

Шунингдек, жойларда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, вилоятдаги бир қатор ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ёшларни ҳарбий хизмат чақирувига тайёрлаш бўйича ўқув материаллари ҳамда қуроллари етарли эмас. Кўпчилик қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳарбий хизматга чақирилувчиларни ҳисобга олишга масъулиятсизлик билан ёндошмоқда.

Йиғилишда Наманган вилояти мутасадди ташкилотлари раҳбарларига мазкур қонуннинг ижросини таъминлашда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ ва қатъий вазифалар белгилаб берилди. Тадбирда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жорий йил Қатар пойтахти Дохада ўтадиган 15-Осиё ўйинларида кураш бўйича ҳам мусобақалар бўлади.

Муҳаммад ДЕРАКШАН:

Доха илк қадам эмас

Кеча Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда Осиё кураш конфедерацияси президенти Муҳаммад Деракшан (Эрон) журналистларга бу ҳақда маълум қилди.

— Дохада ғолибликни қўлга киритган полвонларга ҳам медаллар ва сертификатлар берилади, лекин бу медаллар умумий натижаларни аниқлашда ҳисобга олинмайди,— деди М. Деракшан. — Чунки кураш дастурдаги ўйинлар қаторидан расмий жой олмаган. Шунга қарамай, 15-Осиё ўйинлари ташкилий қўмитаси кураш учун алоҳида кун (6 декабрь) ажратди. Шу куни полвонлар ўртасида кўргазмали чиқишлар эмас, ҳақиқий мусобақалар уюштирилади.

Муҳаммад Деракшаннинг таъкидлашича, эркаклар икки, аёллар эса бир вазн тоифасида гиламга чиқадилар. Шунингдек, у 2010 йилда Хитойда ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинлари дастурига ўзбек курашини расман киритиш бўйича музокаралар олиб борилаётганини айтди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий компьютер, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер хўжалиги соҳаларида мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

1. 2006/2007 ўқув йилида: бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51604, шу жумладан, 19945 давлат грантлари ва 31659 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлансин;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 6500, шу жумладан, 1500 давлат грантлари ва 5000 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлансин;

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул сони 5665, шу жумладан, 1265 давлат грантлари ва 4400 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 3- иловага мувофиқ тақсимлансин.

2. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

3. 2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон миллий университети қошидаги икки йиллик махсус Журналистика бўйича олий курсларга тўлов- контракт асосида умумий 60 кишидан иборат қабул квотаси белгилансин.

Бунда Журналистика бўйича олий курсларга бошқа йўналишлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини намоён этган мутахассислар танлов асосида қабул қилиниши, ўқиш якунида уларга «Журналистика» мутахассислиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги диплом берилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, ассоциациялар, ташкилотлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг асосий истеъмолчилари бўлган бошқа тузилмалар иштирокидаги муҳим вазифаси — олий таълим муассасаларига кирувчиларнинг қизиқиши, реал ва истиқболдаги талабга мувофиқ бакалаврлар сони ва йўналишлари бўйича қабулни амалга оширишни назарда тутувчи олий таълим муассасаларига қабулни янада такомиллаштиришга йўналтирилган пухта тизимли таҳлил ўтказиш ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мазкур вазифани бажариш учун:

бир ҳафта муддатда олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагогларини, бакалавриат йўнаишлари бўйича олий таълим муассасалари битирувчиларининг асосий истеъмолчилари бўлган тузилмалар ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳини ташкил этсин;

ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган таҳлил материалларини умумлаштирсин ҳамда 2006 йилнинг 1 ноябригача Вазирлар Маҳкамасига бакалаврлар тайёрлашнинг сони ва йўналишлари бўйича қабулни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

5. 2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Давлат комиссиясига, тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, белгиланган умумий қабул квоталари доирасида олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратураси қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2006/2007 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 2 июнь.

ТРАНСПОРТЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Тошкентда Халқаро автомобиль транспорти иттифоқининг (ХАТИ) МДҲ мамлакатлари билан алоқалар бўйича қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда минтақамиз мамлакатларидан, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкидан, етакчи автомобилсозлик компаниялардан вакиллар қатнашди.

Анжуман иттифоқнинг «Ўзбекистон автотранспорти 2004-2005» деб номланган «Мовий китоби» тақдимоти билан бошланди. Унда ХАТИнинг МДҲдаги вакили И.Рунов, иттифоқнинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқалар бўйича қўмитаси раиси В.Флорь Ўзбекистоннинг қулай жуғрофий жойлашуви, такомиллашиб бораётган транспорт коммуникациялари Евроосиё давлатлари бўйлаб транзит юк ташиш учун катта имкониятлар очишини таъкидлади.

Анжуман доирасида «Буюк Ипак йўли — бизнес учун янги имкониятлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг автотранспорт, божхона, йўлсозликка оид ташкилотлари, Савдо-саноат палатаси вакилларининг маърузалари тингланди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги автомобиль йўллари ўзининг сифати жиҳатидан МДҲда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимизда юк ва йўловчи ташиш билан боғлиқ ишларнинг аксарият қисми нодавлат сектор томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон бу соҳага оид ўндан зиёд халқаро конвенция ва ҳужжатларга қўшилган, ўттизга яқин давлат билан халқаро автомобиль алоқаси тўғрисида битим имзолаган. 2010 йилга бориб юк ва йўловчи ташиш миқдори 1,5 баробар ошиши мўлжалланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонни Европа билан Осиёни боғловчи давлат сифатидаги имкониятларини янада кенгайтиради.

Мажлисда БМТнинг автотранспорт соҳасига оид конвенция ва битимларида МДҲ мамлакатларининг иштироки, транспорт йўлакларининг фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, соҳага сармоя жалб этишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

«ШАРҚ ҲАҚИДА ОРЗУЛАР: РУС АВАНГАРДИ ВА БУХОРО ИПАГИ»

Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар академиясининг Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейида шундай шоирона ном остидаги кўргазма очилди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва Тошкент «Услуб уйи» иштирокида ташкил этилди.

РФА Антропология ва этнография музейи Европада энг бой Шарқ матолари тўпламига эга. Бу коллекция Марказий Осиё ва Россиянинг сиёсий, дипломатик муносабатлари тарихи билан бевосита боғлиқ. У тўқимачилик намуналари, байрамона ва кундалик кийимлар, тақинчоқлар, маиший ашёлардан иборат. Бу коллекциянинг энг яхши экспонатлари кўргазмада намойиш этилмоқда.

Бахмал, ипак, ярим ипак, бўз ва пахта толали матолар тарихий манбалар каби халқ фалсафаси ва удумлари ҳақида сўзлаб бериши мумкин. Уларнинг безаклари қадимий донишмандлик ва Шарқ маданий анъаналарининг назокатини бизгача сақлаб келди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси олдидан

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ОСОНМАС

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқи Сенат аъзоси сифатида мени ўз фаолиятимга яна бир марта назар солишга ундади. Орадан ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз сенаторлари томонидан амалга оширилган ишларга, бир вақтнинг ўзида мавжуд камчиликларга давлатимиз раҳбари томонидан холисона баҳо берилди. Энг муҳими, нутқда муайян ижобий ўзгаришлар эътироф этилди, биз, сенаторлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам рўйи-рост айтилди. Ана шундан хулоса қилган ҳолда айни пайтгача сенатор сифатида амалга оширган ишларим, ҳамюртларимизга имкон қадар берган кўмагим тўғрисида ўйладим.

Ўтган вақт мобайнида сайловчиларимизнинг ишончини оқлаш, уларнинг қувончига шерик бўлишга имкон қадар ҳисса қўшишга ҳаракат қилдим. Фориш туманидаги Банд шаҳарчасида қуриладиган туғруқхона мажмуининг манзилли дастурга киритилишига, Жиззах шаҳрида фойдаланишга топширилган диагностика марказига, туғма ногирон болаларнинг 100 нафарига махсус аравача совға қилинишига, қарийб 60 нафар ўғил-қизнинг даволаниб, саломатлиги тикланишига, энг аввало, она, сенатор сифатида, қолаверса, раҳбар сифатида ҳисса қўша олганимдан хурсандман.

Бундан ташқари, сайловчилар билан ўтказилган қабул кунларида кўплаб фуқаролар иштирок этиши таъминланди. Ёзма тарзда берилган 60 га яқин ариза ва шикоятлар ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Бироқ, бу ҳали етарли эмас, деб ҳисоблайман. Чунки, мен сенаторгина эмас, соғлом авлоднинг камолга етиши учун масъул мутасадди ҳамман. Бу борада қиладиган ишларимиз эса ҳали жуда кўп. Шундай экан, биз қайси соҳада фаолият кўрсатишимиздан қатъи назар, ҳамиша масъулиятни энг асосий мезон ҳисоблаб ишлашимиз зарур. Ва айнан ана шундай талаб давлатимиз раҳбари томонидан қатъий қилиб қўйилди.

Сайловчиларимиз билан Фориш, Зарбдор туманларининг 10 дан зиёд қишлоқларида, маҳаллаларида ўтказилган кўпдан-кўп учрашувларда ҳам бу фикр яна бир марта ўз тасдиғини топди. Турли касб эгалари мулоқотларда сўз олиб, қувончларини ҳам, ташвишларини ҳам рўй-рост айтишди. Фикр-мулоҳазалар менга сенатор сифатида келгусида қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратишим лозимлигини кўрсатди. Яна бир марта англадимки, биз одамлар орасига кўпроқ, дадил кириб боришимиз керак экан. Ҳамюртларимиз ошкоралик руҳида ўтган мулоқотларда маҳаллий кенгашлар, доимий комиссиялар, мавжуд сиёсий партияларнинг фаоллиги тўлиқ сезилмаётганлиги ҳақида куюнчаклик билан фикр юритишди. Тан олиш керакки, бу узилишда биз, сенаторларнинг ҳам айбимиз бор. Депутатлар корпуси билан доимий алоқани таъминлай олмаяпмиз, улар билан ҳамкорликда ишлашни ташкил қилиш замон талаби бўлмоқда.

Очиқ айтаман, Олий Мажлис Сенати фаолиятини қамраб олган семинарлар, илмий-амалий анжуманлар, Сенат аъзосининг ишини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тизимини янада такомиллаштириш лозим. Ишонаманки, Сенат ҳузурида мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳам бу борадаги ишларни келгусида тўлалигича мувофиқлаштиради. Халқимиз турмуши фаровон бўлишига эришиш, ҳамюртларимизнинг орзуси тўлиқ амалга ошишига кўмакдош бўлиш — биз, сенаторларнинг энг асосий мақсадимиз. Ушбу мақсадимиз қатъийлигини амалий ишда кўрсата олсак, эл-юрт ишончини тўлиқ оқлаймиз.

Нодира КАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими директори.

АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Спорт — бу ҳаракат, соғлиқ, натижаларни қўлга киритишга интилиш, ғалаба учун тинимсиз кураш демакдир.

Спорт ҳақида гап борганда, кўпинча уни ёшлик, шижоат, мардлик билан боғлаймиз. Бугун Ўзбекистон спортчилари нуфузли халқаро мусобақалар, спорт ўйинлари ва турнирларда совринли ўринларни эгалламоқда. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан юқори малакали мураббийлар иштирокида истеъдодли, умидли ёш спортчилар тарбия топаётган профессионал спортни ривожлантириш билан бир қаторда аҳоли, айниқса хотин-қизлар ҳамда ёшлар орасида спортни кенг оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада каби спорт ўйинлари ва мусобақаларининг узлуксиз, уч босқичли тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ажралмас қисми сифатида жорий этилган. Энди эса Республика хотин-қизлар спартакиадасини ўтказиш ҳам яхши анъанага айланмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонини амалга ошириш, шунингдек, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда иккинчи Республика хотин-қизлар спартакиадасини ўтказмоқда.

Жорий йилда уч босқичдан иборат ушбу беллашувларда 1 миллион 600 минг нафардан ортиқ хотин-қиз қатнашмоқда. Таъкидлаш жоизки, март ойида ўтказилган биринчи босқичда меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахматшашка, арқон тортиш, сузиш каби спорт турлари бўйича оммавий мусобақалар бўлиб ўтди.

Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида спартакиаданинг иккинчи босқичи ўз ниҳоясига етмоқда. Бу босқич мусобақалар финалчиларини аниқлаб беради. Шуниси қувонарлики, унда меҳнат жамоалари вакиллари билан бир қаторда уй бекалари ҳам қатнашмоқда.

— Биз ушбу спорт мусобақалари туфайли ўзимизни яшаргандай, тетик ва соғлом ҳис қилмоқдамиз, — дейди Сирдарё туманидан стритбол беллашувлари қатнашчиси Роза Зангурова. — Ваҳоланки, мактабда ўқиб юрган кезларимизда биз ҳам спорт билан шуғулланганмиз, волейбол, баскетбол ўйнаганмиз, мусобақаларда туманимиз шарафини ҳимоя қилганмиз. Ёшим қирқда бўлса ҳам, ўз жамоам учун кураштим ва стритбол бўйича вилоят босқичи ғолибларидан бири бўлганимдан хурсандман. Фарзандларимиз бизнинг ғалабани қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилаётганимизни кўриб, уларда ҳам спорт билан шуғулланишга иштиёқ янада кучаяди. Бундай машғулотлар соғлиқни мустаҳкамлайди, кишига тетиклик бағишлайди, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, ижтимоий фаолликни оширишга ёрдам беради. Биз, оналар фарзандларимизга ҳамма жиҳатдан ўрнак бўлишимиз даркор.

Иккинчи Республика хотин-қизлар спартакиадасининг 10-13 июнь кунлари Қаршида бўлиб ўтадиган финал беллашувларида Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан терма жамоалар иштирок этади.

Қайд этиш керакки, хотин-қизларни спорт билан шуғулланишга янада кўпроқ жалб қилиш, уларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда жойларда спортнинг бадиий гимнастика, синхрон сузиш, теннис каби турларини ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада спорт секциялари ташкил этилиб, турли мусобақа ва беллашувлар ўтказилмоқда.

Бухоро ва Навоий вилоятида бадиий гимнастика секциялари фаолияти йўлга қўйилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Андижон, Жиззах вилояти ва пойтахтимизда бу каби ишлар талаб даражасида ташкил этилган. Хусусан, ушбу ҳудудларда синхрон сузиш ва спортнинг бошқа турлари бўйича секциялар очилган бўлиб, бу ерда ёшларнинг 800 нафардан ортиқ вакили мунтазам шуғулланмоқда. Бироқ, ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Масалан, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида бундай секциялар ҳали ташкил этилгани йўқ. Айни вақтда малакали мураббийларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур.

Ўзбекистонлик спортчи қизлар нуфузли халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани ҳам кишини қувонтиради. Хусусан, синхрон сузиш бўйича миллий терма жамоамиз қизлари кейинги пайтда Россия, Исроил, Япония, Греция, Таиланд, Австрияда ўтказилган халқаро турнирлар ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этди.

Шубҳасиз, хотин-қизлар ўртасида спартакиада ўтказилиши спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилади, ёш авлоднинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ўз ҳиссасини қўшиши учун интилишига кучли туртки беради.

Зуҳра УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Саудия Арабистонида Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти

(Давоми. Боши 1-бетда).

Имом Муҳаммад бин Сауд номидаги Ислом университети профессори Иброҳим ал-Музейни, хусусан, Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Беруний каби дунёда машҳур алломалар ватани эканини таъкидлаб, уларнинг бой меросини муҳофаза этиш ва ўрганиш бўйича республикадаги саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берди.

Ўзбекистондаги ҳозирги вазият тўғрисида сўзлар экан, Имом Муҳаммад номидаги Ислом университети илмий тадқиқотлар департаменти директори, профессор Туркий бин ал-Сахув ал-Утейбий Ғарбдаги қатор оммавий ахборот воситалари тарқатаётган маълумотлар Ўзбекистонда рўй бераётган воқеалар моҳияти тўғрисида нотўғри тасаввур ҳосил қилишга йўналтирилганини қайд этди. Мамлакатимизга сафари давомида у ўз кўзи билан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ва хайрли ишлар шоҳиди бўлган. — Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда, бу эса халқ фаровонлиги ўсиши ва барқарор ривожланишнинг асосий гаровидир, — деди олим.

Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Унинг иштирокчилари сўнгги йилларда Ўзбекистон мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва прогрессив ўзгаришларга қарши чиқувчи тажовузкор кучларнинг нишони бўлиб қолганини таъкидладилар. Улар Марказий Осиё минтақаси, шу жумладан, Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган республика раҳбариятининг ташқи ва ички сиёсатини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар, диний экстремизмнинг ҳалокатли мафкурасини тарқатиш орқали ёшлар онгини заҳарлаётган ташқи кучлар кирдикорларини қораладилар.

Йиғилганлар диний урф-одатлар ва Маккаю мукаррама ва Мадинаю мунаввара ҳаж фарзларини адо этиш рағбатини билдираётган ўзбекистонлик мусулмонларга барча шароитлар яратиш ҳамда масжид, диний марказ ва ўқув юртларини қуриш бўйича республика ҳукумати ғамхўрлигини юқори баҳоладилар.

Тақдимотда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Шуҳрат Ёвқочев бошчилигидаги делегация аъзолари Саудия Арабистонига ташрифи доирасида Ислом конференцияси ташкилоти бош котиби А.Эҳсонўғли, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг ҳаж ишлари вазири Фуад ал-Форисий, маданият ва ахборот ишлари вазири Ийяд Амин Маданий, ислом ва вақф ишлари вазири Салиҳ Ол аш-Шайх билан учрашди. Делегациянинг, шунингдек, «Миллий мулоқот» ижтимоий ҳаракати, Имом Муҳаммад бин Сауд номидаги Ислом университети ва Ислом тараққиёт банки раҳбарияти билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти китоби тақдимоти мамлакат жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди ҳамда умумараб ва Саудия Арабистони оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, «ал-Ҳаёт», «Араб ньюс», «Рияд» каби нуфузли нашрлар томонидан ёритилди.

«Жаҳон» АА.

«ШАРҚ ҲАҚИДА ОРЗУЛАР: РУС АВАНГАРДИ ВА БУХОРО ИПАГИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Россия ва Ўзбекистон маданиятини минглаб ришталар боғлаб турибди. Кўргазма ташкилотчилари анъанавий Марказий Осиё матолари рамзий ва рангли ечимлари ҳамда рус авангарди асарлари асосида ётган эстетик тамойилларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб бера олди. Ўзбекистон Давлат санъат музейи фондидан Санкт-Петербургга А.Явленский, Г.Стенберг, И.Клюн, В.Степанова, А.Родченко, А.Экстер каби машҳур рус рассомларининг яхши танилмаган асарлари келтирилди.

Айни пайтда, кўргазмада намойиш этилаётган Тошкент «Услуб уйи»да ишловчи замонавий ўзбек модельерларининг табиий матолардан яратилган ва кашталар билан безатилган дизайнерлик ишланмалари маданиятларнинг тарихий боғлиқлигини яққол кўрсатмоқда. Ипак ишлаб чиқариш тарихига бағишланган видеофильм ҳам кўргазманинг бир қисми ҳисобланади.

Бундан ташқари, кўргазма доирасида Петербургдаги «Отель Кемпински» меҳмонхонасида замонавий ўзбек рассомлари асарлари экспозицияси ташкил этилди.

ЎзА мухбирига «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, кўргазма уч ой давом этади. Шунингдек, мавзуга оид семинарлар, турли маданий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

(ЎзА).

Ўзбекистон Давлат Санъат музейида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шодликдан яйрагин, болажон!

Пойтахтимиздаги болалар боғчалари тарбияланувчилари иштирокида ўтган ушбу дастур доирасида "Дунё — болалар нигоҳида" деб номланган кўргазма ҳам ташкил этилди. Ундан жажжи кичкинтойлар қўли билан чизилган суратлар, амалий санъат намуналари жой олган. Кўргазма байрамга ташриф буюрган меҳмонларнинг эътирофига сазовор бўлди. Шунингдек, тадбирда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси Дилноза Алимованинг болаларга аталган ёзги либослар тўплами намойиш этилди.

Қувноқ қуй-қўшиқлар остидаги болакайларнинг шодон кулгулари йиғилганларга ҳам хушнудлик улашди. Байрам баҳона музей ходимлари томонидан тақдим этилган совға-саломлар болажонлар қувончига қувонч қўшди.

Ўз мухбиримиз.

Фаоллик — бош мезон

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида хотин-қизлар қўмиталарининг фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Арзибека Жонибекованинг маърузаси тингланди.

Ҳисобот даврида оролбўйилик аёлларнинг фаоллиги янада ошганлиги таъкидланди. Хусусан, уларнинг халқ хўжалиги субъектларини корпоратив бошқариш, мулкдорлар синфини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимидаги улуши мустаҳкамланмоқда. Айни кунда Қорақалпоғистондаги 1763 та турли бўғиндаги субъектларни аёллар бошқармоқда. Халқ депутатлари кенгашларида 97 нафар хотин-қиз ўз ваколатларини амалга ошираётир. Шунинг билан бир қаторда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг иқтисодий ислоҳотлар, маънавий янгиланишлар, ёшлар тарбияси, жиноятчиликка қарши кураш, маҳалла институтининг нуфузини мустаҳкамлаш борасидаги иштирокини янада чуқурлаштириш талаб этилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҒУБОР ҚЎНМАСИН

Айтайлик, бирор жойда корхона қурмоқчисиз. Шу боис, албатта, тегишли ҳокимият органларига рухсат беришларини сўраб мурожаат қиласиз. Улар сизга экологик экспертизадан изн олишингиз зарурлигини уқтиришади. Экологик экспертиза мутахассислари эса бу масалада дарҳол хулоса чиқаришга шошилишмайди. Аввало, таклифларингизни ўрганишади, уни атроф-муҳитга, шу жумладан, у ерда яшаётган аҳоли ҳаётига салбий таъсири бор ёки йўқлигини таҳлил қилиб кўришади. Агарда режалаштираётган фаолиятингиз экологик талабларга мувофиқ келса, ижобий хулосага кўра рухсатнома тақдим этилади. Экологик экспертиза фаолиятини соддароқ қилиб шундай тушунтириш мумкин. Бироқ, аслида унинг фаолият доираси анча кенг: йирик яхлит қурилишлар, портлар, заводлар, турли қазилмалар, қўйингчи, барча объектлар устида иш бошлашдан олдин, албатта, мазкур экспертиза хулосаси бўлиши шарт. Йўқ, бу шунчаки расмиятчилик учун эмас, балки халқимиз соғ-саломатлигини таъминлаш, атроф-муҳитга зарарли таъсирнинг олдини олиш, ислоҳотларни бекаму кўст амалга ошириш мақсадида қилинаётган чора-тадбирлардандир.

Давлат экологик экспертизаси билан шуғулланаётган идоралар ҳамда мутахассислар ҳар бир вилоят ва туманда фаолият кўрсатмоқда. Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экологик экспертиза Бош бошқармаси уларга етакчилик қилади. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида"ги Низоми (2001 йил 31 декабрдаги 491-сон Қарор билан тасдиқланган)да асосий принциплар, экспертиза буюртмачисининг мажбуриятлари, объектлар, унга рухсат беришда қўйиладиган талаблар, экспертнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, бу борадаги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ушбу тузилманинг фаолияти кенг жамоатчиликка ҳали-ҳануз яхши таниш эмас. Шу боис улар фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Ижобий ўзгаришлар

Мустақиллик йилларида экологик экспертиза соҳасига алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни вақтда соҳада юздан ортиқ малакали мутахассислар самарали меҳнат қилмоқда. Ўтказилаётган экспертиза сони ҳам тобора ортиб бормоқда.

Айтиш керакки, республика бўйича олинган экспертиза хулосаларидан 790 тасининг ҳужжатлари экологик меъёр талабларига жавоб бермаган. Шулардан 24 та объектнинг иши амалга оширилиши мумкин эмас, деб топилган.

Яна бир масала, экологик экспертиза ишларида жамоатчиликни жалб этиш ва атроф-муҳитни ифлослантираётган корхоналарда экологик аудит ўтказишдан иборат. Бунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган етук мутахассислар, олимлар жамоатчилик асосида жалб этилади. Масалан, Тошкент вилоятида 94, Фарғона вилоятида 72 ва Наманган вилоятида 43 фоиз объектлар жамоатчи экспертлар томонидан бажарилган. 2005 йилда республика бўйича жами объектларнинг 30 фоизи штатдан ташқари экспертларни жалб қилган ҳолда амалга оширилган.

Кейинги вақтларда йирик комплекс ва корхоналарда иш бошлашдан олдин экологик аудит ўтказиш тажриба сифатида синаб кўрилмоқда. Жумладан, Россиянинг "Лукойл Волгоградморнефть" очиқ турдаги акциядорлик жамияти Боку филиали Кандим конлари гуруҳидаги Хавузаншоди ва Қўнғирот участкаларида Давлат таҳлилий назоратга ихтисослашган ҳамда Давлат биологик назорат инспекциялари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ядро физикаси институти, "Азнефть" ишлаб чиқариш бирлашмасининг экологик тадқиқот экспедицияси иштирокида шундай синов ўтказди. Аудит маълумотлари ҳужжатлар, кузатишлар, ўлчовлар, уларни таҳлил қилиш асосида бўлди. Шунингдек, аудит материаллари асосида фотоальбом ҳам тайёрланган бўлиб, унда дала тадқиқотларига оид лавҳалар, ландшафт, пейзаж лавҳаларидан безаклар жамланган.

Қонун талаблари нега бузилмоқда?

Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 31 декабрда тасдиқлаган "Давлат экологик экспертизаси тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Эндиликда ҳар қандай турдаги қурилишлар учун жой танлашга оид ҳужжатларни экспертизадан ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Бироқ, айрим ҳокимликлар томонидан объектларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш лойиҳаси талаб этилмай, давлат экологик экспертизаси ижобий хулосасини олмасдан туриб қурилиш учун ер ажратиш тўғрисида қарорлар чиқариш ҳоллари учраб турибди. Худди шундай ҳолат 2005 йилда Навоий вилоятида 80, Тошкент вилоятида 40, Андижон вилоятида 28 ва Қорақалпоғистонда 18 марта қайд этилган. Айниқса, Тошкент вилоятининг Чиноз (8 марта), Оҳангарон (17 марта) туманлари ҳокимликлари томонидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз қурилишлар учун ер участкалари ажратиш ҳоллари одат тусини олган.

Ҳукуматимизнинг 1992 йил 27 майда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига тегишли бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш ва олиб қўйишни расмийлаштириш тўғрисида"ги Низом 5 ва 6-бандлари (II қисм) да вилоятлар ёки туманлар доимий ҳаракатдаги ер танлаш комиссиялари таркибига вилоят ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ер тузиш хизматлари, меъморчилик ва шаҳарсозлик органлари вакиллари киритилиши тўғрисидаги талабларни бажармай келмоқдалар. Жумладан, Тошкент вилояти ҳокимининг 2004 йил 21 июлдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган "Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ер танлаш ва ажратиш масалалари бўйича намунавий комиссия таркиби"га табиатни муҳофаза қилиш органи вакили киритилмаганини қандай тушуниш мумкин? Бу борадаги қонун талаблари фақат республика прокуратурасининг аралашуви билангина амалга оширилган.

Шунингдек, айрим шаҳар, туман, вилоят ҳокимликлари ҳамда корхоналар томонидан "Давлат экологик экспертизаси тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя қилинишига ҳали тўла эришилмаганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Навоий вилоятида текширишлар ўтказилганда маълум бўлдики, ер ресурсларидан фойдаланиш устидан етарли назорат ўтказилмаганлиги ва Қонуннинг 11 ва 13-моддаларига зид равишда Навоий шаҳрида 24, Карманада 19, Учқудуқда 11, Зарафшонда 9, Нуротада 5 ва Қизилтепа туманида 4 ҳолатда экологик экспертизанинг ижобий хулосаси олинмай қурилиш учун ер майдонлари ажратилиб берилган.

«Давлат экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун талабларини бажариш мақсадида 2005 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонуннинг Навоий вилоятида бажарилиши муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда мазкур вилоят ҳокимлиги, корхона раҳбарлари ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига тегишли кўрсатмалар берилди. Унинг бажарилишини таъминлаш бўйича эса республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳаракат дастури ишлаб чиқилди.

Яна бир гап. Лойиҳалаштирилаётган ҳар бир объект, албатта, маблағ билан таъминланади. Экспертизадан ўтмаган корхона ёки қурилиш иншоотларига эса банкларнинг бундай кўмак беришга ҳаққи йўқ. Лекин айрим молия муассасалари қонунга хилоф равишда уларни маблағ билан таъминлаши ҳолатлари учрайди.

Мухтасар қилиб айтганда, атроф-муҳит тозалигини сақлаш учун экологик экспертиза фаолиятини янада яхшилашимиз, ҳар бир фуқаронинг бу борадаги масъулиятини оширишимиз зарур. Зеро, экологик экспертиза халқимиз ва келгуси авлоднинг манфаатларини ифодалайдиган жараёндир.

Содиқ МЎМИНОВ.

Қишлоқ обод бўлмоқда

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги «Пичоқчи» қишлоғида спорт соғломлаштириш мажмуи ишга туширилди.

Аввалги хўжалик идораси қайта таъмирланиб, шинам, барча қулайликларга эга спорт марказига айлантирилди. Таъмирлаш ишларига қишлоқнинг фермерларию тадбиркорлари бош қўшишиб, 20 миллион сўмлик ёрдам кўрсатдилар. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан эса 25 миллион сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Эндиликда бу ерда қишлоқ болалари спортнинг гимнастика, миллий кураш, каратэ, стол тенниси каби ўнлан ортиқ турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Спорт мажмуининг очилиши олдидан болалар ўртасида миллий кураш бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Ғолиблар туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Шу куни «Пичоқчи»да янги қишлоқ врачлик пункти ҳам очилди. У «Шифокорлар ва ҳомийлар йили»да қишлоқ аҳолисига яна бир совға бўлди. Бинони таъмирлаш ишларига 24 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бу ерда жами 32 нафар тиббий ходим аҳолига хизмат кўрсатади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида биржаларнинг ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ошмоқда. Албатта, бунинг биринчи омили ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътибор туфайлидир. Шу билан бирга, тадбиркорлар тобора янгилик афзалликларини теран тушунган ҳолда биржалар билан яқиндан ҳамкорликда фаолият юритаётганликлари ҳам ютуқларга сабаб бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида биржа савдоларидаги айланма маблағлар ҳажми 2001-2005 йиллар мобайнида 5,5 баробар ортганлигини, биржа савдоларида маҳсулот савдосидан энг кўп фойдани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари олаётганлигини таъкидлаб ўтган эди.

Республика Кўчмас мулк биржаси:

ВОСИТАЧИЛИК ТЎЛОВЛАРИ МИҚДОРИ ЎН БАРОБАРГА ҚИСҚАРДИ

Мазкур кўрсаткичлар ҳаётийлигини мамлакатимиздаги фаолият шакли турлича бўлган биржаларда, хусусан, кўчмас ва бошқа мулклар савдосини ташкил этишга ихтисослашган республика Кўчмас мулк биржаси савдо натижаларида ҳам кузатиш мумкин.

Таққос учун айтиш жоизки, 2005 йилда Кўчмас мулк биржаси тизимида 2000 йилдагига нисбатан жами сотув ҳажми олти баробарга, давлат мулклари бўйича эса ўн уч баробарга ошган. Шунингдек, давлат дастурига асосан, 2005-2006 йилларга мўлжалланган 807 та объектдан ўтган даврда 658 таси, яъни 81 фоизи биржа савдолари орқали ўз эгаларини топиб улгурди.

Бошланғич баҳосини босқичма-босқич пасайтириш механизмини қўллаш давлат мулкларининг савдосини жонлантиришга ҳамда биржа фаолияти самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Ўтган даврда ушбу механизм асосида 1300 тадан ортиқ мулклар тадбиркорларга сотилгани ҳам фикримизга далил бўла олади.

Эришилган кўрсаткичлар салмоқли бўлса-да, бироқ биржалар фаолиятини янада такомиллаштиришни, тадбиркорларнинг савдоларда иштирокини соддалаштиришни ва харажатларни камайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ана шу масала юзасидан республика Кўчмас мулк биржасида яқинда бўлиб ўтган биржа аъзоларининг умумий йиғилишида биржа битимларини амалга оширишда олинадиган комиссион тўловлар миқдорини камайтириш масаласи муҳокама қилиниб, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар томонидан брокерлар ва биржага тўланадиган воситачилик тўловлари миқдорини кескин камайтириш бўйича тегишли чоралар белгиланди.

Ислоҳот одимлари

Агар, эски тартибда брокерларнинг мижозлардан оладиган воситачилик тўловлари миқдори 10 фоизгача бўлган бўлса, бундан буён унинг энг юқори миқдори 5 баробарга, ўртача миқдори эса 10 баробарга қисқарди. Яъни, белгиланган тартибда биржа савдоларига қўйилган мулк бўйича сотиб олувчи харидорларнинг ўзи хабар топиб брокерларнинг қўшимча хизматларидан фойдаланмай сотиб олмоқчи бўлган ҳолларда "Сотиб олувчи брокер"нинг хизмати учун 0,1 фоиз миқдорида воситачилик ҳақи тўлайдилар, холос.

Бундан ташқари, мулк эгаси савдога чиқариладиган мулкнинг ҳужжатлар тўпламини ўзи тайёрлаб, уни биржа савдоларига чиқариш бўйича "Сотувчи брокер"га мурожаат қилган ҳолларда эса "Сотувчи брокер" хизмати учун битим қийматидан 0,2 фоиз миқдорида воситачилик тўловлари амалга оширилади.

Эндиликда брокер томонидан "Сотувчи" мижозга тўлиқ хизмат кўрсатилган ҳолдагина, жумладан, тегишли маслаҳат хизматини кўрсатиш, мулк эгасининг шартнома-топшириғи бўйича сотиладиган мулкнинг ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш, маълумотномаларни йиғиш, реклама-ахборот ишларини ташкил этиш, қизиқиш билдирганларни мулк билан таништириш, сотиб олувчи харидорларни излаш ёки "Сотиб олувчи" мижознинг топшириғи бўйича унинг талабига жавоб берадиган мулкни топиш, мижозни мулк билан таништириш, биржа савдоларида иштирок этиб сотиб олиш ишларини амалга оширгандагина ўртача 1 фоиз, кўпи билан 2 фоиз воситачилик тўловлари олинади.

Биржа тизимида битимлар суммаси ошиб борган сайин воситачилик тўловлари фоизи пасайиб бораверади. Бундан буён биржа аъзолари мижозга тўлиқ хизмат кўрсатган ҳолда сотиладиган мулкнинг қиймати 10 млн. сўмгача бўлганда 2 фоиз, 25 млн. сўмгача бўлганда 1 фоиз, 50 млн. сўмдан юқори бўлганда 0,5 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда воситачилик тўловлари олишлари лозим.

Янги тартибга кўра, давлат мулкларини сотиб олувчиларга имтиёзли воситачилик тўловлари белгиланиб, уларнинг миқдори аниқлаб олинди. Эндиликда харидорлар давлат мулкларини сотиб олишда битим суммасидан қатъи назар "Сотиб олувчи брокер"га 0,2 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда воситачилик тўловини амалга оширадилар.

Ўз навбатида, биржа аъзолари, яъни брокерлардан биржа фойдасига олинадиган воситачилик тўловлари ҳам сезиларли даражада камайтирилди. Айтайлик, аввалари биржа фойдасига давлат мулкларини сотиб олган брокерлик идорасидан 1 фоиз миқдорида воситачилик тўлови олинган бўлса, янги тартиб бўйича унинг миқдори икки ярим маротаба камайтирилиб, 0,4 фоиз этиб белгиланди. Шунингдек, нодавлат мулклар бўйича ҳам биржа битимларидан комиссион тўловлар мулкнинг нархидан келиб чиққан ҳолда 0,3 фоизгача пасайтирилди.

РКМБда хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлардан брокерлар ва биржа фойдасига олинадиган воситачилик тўловларининг кескин пасайтирилишидан мақсад шуки, имкон қадар сотувчи ва сотиб олувчиларнинг савдо жараёнларидаги харажатларини тежашга кўмаклашган ҳолда уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Бундай ўзгаришларни амалиётга тадбиқ этиш, биржа аъзолари томонидан уларга риоя қилинишини назоратга олиш ва юзага келган муаммоларни ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади. Мавриди келганда, биржа мижозлари ўз фаолиятлари давомида юзага келган бирор-бир муаммо ,ёки соҳага тегишли масалалар бўйича биржанинг "Ишонч телефони" (399 80 26 рақами) орқали ёки бевосита биржа бошқарувига мурожаат қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Албатта, бу каби чора-тадбирлар биржада савдо ҳажмининг янада ошишига, савдоларни ташкил этишда ошкораликни кучайтиришга, тўловларнинг ўз вақтида амалга ошишига, пировард натижада юртимизда тадбиркорлик фаолияти янада кенг қулоч ёзиб, тараққий этишига хизмат қилади.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Ер курраси тинчлик»

Республика Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида ана шундай деб номланган расмлар кўрик-танлови ўтказилди. Уни Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» «Болалар» жамғармалари, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Замонавий санъат маркази ҳамкорликда ташкил этди.

Ушбу танловни ўтказишдан мақсад болаларнинг санъатга қизиқишини ошириш ва истеъдодларни аниқлашдир. Танлов уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган ҳаваскорлар ўртасида гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилди. Голибларни профессионал рассомлардан иборат ҳайъат аъзолари аниқлаб берди ва уларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Улуғбек ЕРМАТОВ.

Тошкент давлат техника университетида салмоқли илмий ишланмалар кўргазмаси ва танлови ўтказилди. Энергия ва ресурсларни тежовчи технологияларни яратиш, ишлаб чиқиш, ахборот коммуникацион технологиялар ва бошқа тармоқларда эришилган илмий натижаларни аниқлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда 100дан зиёд илмий ишланма муаллифлари қатнашдилар.

Энг яхши лойиҳалар танлови

Маълумки, саноат корхоналарида кўплаб ускуналар электрда ишлайди. Тадқиқотлар кўрсатишича, мазкур электрюритмаларнинг манбадан керагидан ортиқ энергия истеъмол қилиши маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади. Танловга "Энг яхши инновацион лойиҳа" номинацияси бўйича тавсия этилган қурилмалар лойиҳаси бугунги кунда бир қанча саноат корхоналарида электр энергиясини тежашга хизмат қилмоқда. Жумладан, бундай қурилмалар Марказий Осиёда ягона бўлган Бекобод металлургия комбинатининг турли ускуналарида ишлаб турибди. Уларнинг ўртача энергия тежамкорлик миқдори 36 фоизни ташкил қилади.

— Олинган ижобий натижалар асосида мазкур корхона билан шу қурилмаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, — дейди лойиҳалар илмий раҳбари, профессор О. Ҳошимов. — Улар рақобатбардошлиги ва энг сўнгги рақамли технологиялар асосида яратилгани боис нафақат юртимиз, балки Россия Федерациясининг ҳам патентига эга.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

2006 йил 22 майдан бошлаб «Таътил» қисқа муддатли депозити бўйича фоиз ставкалари белгиланганини маълум қилади:

«Таътил» (сақлаш муддати - 3 ой) — йилига 21%.

- **Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади.**
- **Омонат муддати 1 йилга қадар автомат тарзда узайтирилади.**

Ўз омонатларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

Аҳоли диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли қарорига асосан

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК

аҳолининг маънавий эскирган электр қуввати ҳисоблагичларини босқичма-босқич замонавий ҳисоблагич асбобларига

БЕПУЛ АЛМАШТИРАДИ.

Сизларга фойдаланилган электр қуввати учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш кераклигини эслатамиз.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

БАНК СИЗГА ҲАМИША КЎМАКДОШ

— Доимий равишда мижознинг молиявий аҳволини ўрганишга ҳаракат қиламиз, чунки зарур ҳолларда унга ёрдам бериш бугунги куннинг талабига айланди, — дейди акционерлик тижорат «Тадбиркорбанк» негизида ташкил этилган «Микрокредитбанк»нинг Каттақўрғон шаҳар бўлими бошқарувчиси Абдували Мўминов. — Сабаби, мулк шаклидан қатъи назар, ҳар қандай корхонанинг ривожланиши, ўз аъзоларига нафи тегиши, қолаверса, банк олдидаги мажбуриятларини бажариши, энг аввало, унинг иқтисодий имкониятлари билан боғлиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, айниқса, молиявий муассаса олдига жиддий вазифаларни қўйди. Шу боис тижорат банклари фермерларга молиявий жиҳатдан кўмак беришга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур қарорга асосан, тижорат банклари зиммасига пахта ва ғалла етиштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси,томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредит маблағларидан деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш харажатларининг белгиланган меъёрлари доирасида фойдаланиш, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ва мол етказиб берувчи корхоналар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш юклатилган. Банк бўлими бу борада анчагина ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, пахта ва ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида тайёрлов корхоналари билан ўз вақтида контрактация шартномалари тузилди, фермерларнинг кредитга бўлган эҳтиёжлари ўрганилди.

Қарор талаблари асосида ишлаб чиқилган «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури»га мувофиқ эса, ўтган йилнинг ўзида пахта етиштириш учун 87 та фермер хўжалигига 203846 минг сўм, ғалла харажатлари учун 71 та фермер хўжалигига 45846 минг сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

2006 йилда бу кўрсаткичлар янада ошди. Хусусан, тўрт ой мобайнида пахтачилик билан шуғулланувчи 98 та фермер хўжалигига 181350 минг сўм, 82 та ғалла етиштирувчи фермер хўжалигига эса 87045 минг сўм миқдорида кредит ажратилди.

Шунинг ўзиёқ фермерларни молиялаштириш ва кредитлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳсулот тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини ҳамда меҳнатга муносабатларини такомиллаштириш каби масалаларни босқичма-босқич бажараётганидан далолат беради.

Қолаверса, Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарори банк мижозлари учун айни муддао бўлди. Негаки, нақд пулга бўлган эҳтиёж борасидаги муаммолар ана шу қарор туфайли тўлиқ ечимини топди. Натижада 2005 йилда банк бўлимига 1643431 минг сўм келиб тушди. Бу банк бўлимида депозит ҳисоб рақамларида пул маблағларини узлуксиз таъминлаш имконини берди. Шу сабаб корхона ва ташкилотлар, фермерларга иш ҳақлари вақтида тўланди.

Қарор ва ижро

Нақд пул маблағларининг келиб тушиши ва берилиши юзасидан кундалик мониторинг ҳам олиб борилмоқда. Бу шуни кўрсатмоқдаки, фақат мижознинг депозит ҳисобварағида маблағ бўлса бас, нақд пулга асло ҳожат қолмайди.

Банк бўлими ўз мижозларининг эҳтиёжларини қондириш билан биргаликда «Пахтабанк» ва «Саноатқурилишбанк»нинг Каттақўрғон шаҳар бўлимларини ҳам нақд пул билан таъминлаб келаяпти. Масалан, 2005 йил давомида банк хазинасига келиб тушган 1643431 минг сўм нақд пулнинг 1333424 минг сўми ўз мижозлари эҳтиёжига сарфланди. Унинг 310007 минг сўми эса мазкур банк бўлимларига мадад пули сифатида жўнатилди.

Банк ўтган йили, шунингдек, мижозларни қисқа ва ўрта муддатли кредитлар билан таъминлаш соҳасида ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширди. Жумладан, 8 мижозга 42609 минг сўмлик шундай кредитлар берилди. 5 та мижозга айланма маблағларини тўлдириш мақсадида дори-дармон ва ёнилғи сотиб олиш учун 29100 минг сўм, яна бир неча мижозга эса автокредит ҳамда фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар ажратилди.

Бу йил-чи? Ўтган тўрт ой давомида банк бўлимида депозит ҳисоб рақамларида пул маблағларини узлуксиз таъминлаш мақсадида 590622 минг сўм нақд пул келиб тушди. Унинг 349033 минг сўми харажат қилинди. Бу барча мижозларнинг иш ҳақлари ўз вақтида тўланишига имконият яратди. Шунингдек, 241589 минг сўм нақд пул «Пахтабанк» ва «Саноатқурилишбанк»нинг Каттақўрғон шаҳар бўлимларига мадад маблағи сифатида етказиб берилди.

Банк бўлимида «Орзу», «Тадбиркор», «Нуроний», «Сиҳат-саломатлик», «Тежамкор коммуналчи» номли муддатли омонат турлари мавжуд. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами омонат миқдори 49802 минг сўмни ташкил этган бўлса, шундан муддатли омонат 20220 минг сўмга етди. Орадан тўрт ой ўтиб эса, бу кўрсаткичлар тегишли равишда 51380 минг ва 24008 минг сўмни ташкил қилди. Бундан англашиладики, банк ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан муддатли омонат сезиларли даражада кўпайиб бормоқда.

Умуман, 2005 йил якунларига кўра банк бўлимининг соф фойдаси 21005 минг сўмни ташкил этди. Унинг жами устав сармояси эса 44880 минг сўмга етди.

Кичик бизнесни кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бўлимининг бошлиғи Ойбек Назаровнинг таъкидлашича, банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорлик тобора яхшиланиб бормоқда. Йилнинг дастлабки тўрт ойида соф фойданинг 4851 минг сўмга, жами устав сармоясининг 50750 минг сўмга, аҳолидан омонатга жалб этилган маблағнинг 60177,6 минг сўмга етганлиги фикримизнинг исботидир.

Қисқаси, қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий тармоқлари — пахтачилик ва ғаллачиликда молиявий муаммоларнинг ҳал этилишида, нақд пул тўловларининг узлуксиз таъминланишида «Микрокредитбанк»нинг Каттақўрғон шаҳар бўлими жамоаси фаол иштирок этиб келмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

М. В. ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИГА

2006/2007 ўқув йили учун қуйидаги факультетларга абитуриентлар қабули эълон қилинади:

АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА; ПСИХОЛОГИЯ.

1. Абитуриентларнинг қабул бўйича аризалари филиал қабул комиссиясига тақдим этилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

* *умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
* *3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат (оқ-қора, ялтироқ бўлмаган (матовый) қоғозда, бош кийимсиз);*
* *№ 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома.*

Абитуриентлар ҳужжат топшираётганда паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади.

2. Қабул бўйича аризалар **20 июндан 1 июлга қадар қабул қилинади.**

Кириш имтиҳонлари ва филиалга қабул **2 июлдан 20 июлга қадар ўтказилади.**

3. **Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан ўтказилади:**
   * *"Амалий математика ва информатика" факультетига кирувчилар учун — математика (ёзма), чет тили (ёзма), рус тили ва адабиёти (ёзма);*
   * *"Психология" факультетига кирувчилар учун — математика (ёзма), рус тили ва адабиёти (ёзма), биология (ёзма).*

Кириш имтиҳонлари М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети илмий кенгаши томонидан тасдиқланган дастур асосида амалга оширилади.

4. Филиалга кириш имтиҳонлари ва ўқиш рус тилида амалга оширилади.
5. Давлат гранти асосида ўқиган филиал битирувчилари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимланади.

6. **Абитуриентларнинг ариза ва ҳужжатлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:**

Тошкент шаҳри, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон миллий университети, бош бино.

Маълумотлар учун телефон: 393-19-87, Интернет манзили: www.edu.uz

64 катак сирлари

Ўрта Осиёда XIII-XVI асрда шахмат санъати яна ривож топа бошлади. Шеърият даҳолари Лутфий, Бобур, Огаҳий, Насимийлар ўз ғазалларида «Шатранж» (шахмат) хусусида бежиз тўхталиб ўтмаганлар. Соҳибқирон Амир Темур саройида яшаган Али Шатранжий (XV-XVI) тенги йўқ шахматчи ва зўр назариётчи бўлган.

СОҲИБҚИРОН ВА ШАХМАТ

Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихидан» (1436 йил) китобида жаҳонгир ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида баҳс юритувчи тарихий маълумотларни келтирган. Унинг ёзишича, соҳибқирон тафаккурини пешлаш мақсадида муттасил 144 катакли ёки 110 катакли шахмат (шатранж) ўйнайди. Тахтанинг эни ўн бир хона, бўйи ўн хона эди. Амир Темурнинг шахмат ўйнаши давлатни одилона бошқаришда, ҳарбий ишларни тадбиркорлик билан юритишда, жангу жадалда асқотарди. Масалан, қачон пиёдаларни, қачон сипоҳларни жангга тушириш кераклигини олдиндан билиб қўярди. Саркардага шахмат ўйинини ким ва қачон ўргатгани ҳалигача номаълум. Амир Темур ўз салтанатига олимлардан Мавлоно Абдумаликни ҳам олиб келган. У «Ҳидоя» муаллифи Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг авлодидан бўлиб, мударрислик қилар, шатранж ва нард ўйинларидан таълим берарди.

Манбаларнинг кўрсатишича, Ҳожи Али шатранж тахтасига қарамай, бир вақтнинг ўзида тўрт киши билан ўйнай олган. Холбуки, у даврларда Европа мамлакатларида бу усул билан бир-иккита тахтада аранг ўйнаганлар. Шахматда зўр маҳорат кўрсатган Ҳожи Алининг шуҳрати тарихий асарларда қайд этилган. Соҳибқироннинг шахматнинг ҳақиқий мухлиси эканлигига яна бир исбот шундаки, у Шоҳрухияга кўп донишманд алломаларни таклиф этиб, ёшларга шахмат санъатини ўрганишни топширади. Мен 30 йил вақт шахматга оид 500 дан ортиқ китоб йиғдим. Шулардан энг ноёби поляк журналисти Ени Гиницкининг «Шахмат асрлар оша дунё кезади» деган китобидир. Китобда V асрдан тортиб то XX асргача шахмат ўйнаган давлат арбоблари, саркардалари, шоиру ёзувчилар, рассому кинорежиссёрлар, актёрлар ҳақида маълумотлар ўрин олган. Китобнинг 59-betida соҳибқирон Амир Темур икки нарсанинг ашаддий мухлиси эканлиги, яъни шатранж ўйнаш ва ов қилишни яхши кўргани таъкидланган. Муаллиф қизиқарли тарихий маълумотни келтиради. Саркарда Темур боғда шатранжни ўйнаб, рақибига оти билан шох деб кишт бериб, рухини ютиб турганда, навкарлардан бири хушхабар билан боққа киради. Соҳибқиронга ўғил кўрганини айтади. Хурсанд бўлиб кетган соҳибқирон ариқларни тозалаш, теварак-атрофни тартибга келтириш, чала қолиб кетган иморатларни битириш хусусида фармон беради.

«Темур қафас»





XVII асрда яшаб ижод қилган машҳур рус шахматчиси ва тарихчи олим Кард Яниш (1813-1872) буюк соҳибқирон Амир Темурнинг фаолиятини ўрганиб, тарихини ўқиб чиққач, Темурнинг 1402 йил 20 июнда турк султони Боязидни ва унинг икки ўғлини асирга олганлиги хусусида маҳорат билан масала яратади. 10 юришдан иборат масалага «Темур қафас» деб ном беради.

Бу ажойиб масала 1850 йилда биринчи бўлиб Франция матбуотида босиб чиқарилди. Масала чиройлилиги билан бутун дунёдаги тарихчи олимларни, шунингдек, шахмат мутахассислари ва ҳаваскорларини ҳам ўзига ром этди. Масаланинг асосий ғояси шундан иборатки, оқлар Темур қўшинларини (1-диаграммага диққат билан назар солинг), қоралар эса Боязид қўшинларини билдиради. Оқлар дастлабки кетма-кет 10 юришда ютади ва Темур қафаснинг ечими билан якунланади. Масалани мустақил ечсангиз (2-диаграммада) Амир Темур от кишти бериб асирга тушган Боязидни қойилмақом тарзда мот қилмоқда.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат бўйича спорт усталигига номзод.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги тугатилаётган Абдурахмонов номли ширкат хўжалигидаги чорва фермаси очиқ кимошди савдоси орқали сотувга қўйилмоқда.

Кимошди савдосида қатнашиш истагида бўлган шахслар маълумот олиш учун ширкат хўжалигидаги махсус комиссияга мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, А.Абдурахмонов номли ширкат хўжалиги, Қир-Ариқ қишлоғи, Ўзбекистон кўчаси, 29-уй. Махсус комиссия.

27576/1044

Кулгисевар халқмиз. Шунинг учун бўлса керак, сўз усталари ҳақида гап кетганда ёки уларни кўча-кўйда учратсак, беихтиёр юзимизда табассум пайдо бўлади.

«ШЎРДАНАК»дан татиб кўринг

Уларнинг саҳнадаги ҳолатлари, табиий ҳазил-мутойибалари кўз ўнгимизда гавдаланади. Муҳими шундаки, юртимизда чин маънода мухлислар орттира олган кулги усталари кўп. Уларнинг ҳар бири ўз услуби ва йўналишига эга, албатта.

Ўзбекистон телерадиокампанияси томонидан эфирга узатилаётган "Шўрданак" ҳажвий кўрсатуви ижодкорлари Эркин Жулиев ва Дониёр Ҳасановлар ҳам устозлар изидан келаётган умидли ёшлардан ҳисобланади. Келинг, яхшиси, ушбу гуруҳ ҳақида томошабинлар фикрига қулоқ тутайлик.

— *"Шўрданак"нинг мен учун афзаллиги шундаки, улар ҳаммабоп чиқишлар қилишади, ижроларида бачканалик йўқ,* —дейди ўзини Ҳасан Каримов деб таништирган томошабин. — *Уларнинг тақдим этаётган воқеалари, талабалар ҳаёти асосидаги лавҳалари дилимизга яқин.*

Кўрсатув

Тошкент давлат Иқтисодиёт университети талабаси Зуҳриддин Раҳмонов эса ўз фикрини шундай билдиради:

— *Кўрсатув ижодкорларининг ютуғи шундаки, уларнинг ҳажвияларини бемалол оила аъзоларимиз даврасида томоша қилавериш мумкин. Чунки улар кўрсатаётган ҳажвий томоша ноўрин сўзлардан холи бўлгани учун оила даврасида томоша қилаётган ота-онани ҳам, фарзандларни ҳам ноқулай ҳолатга туширмайди.*

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, "Шўрданак"чиларнинг илк қадамлари омадли келиб, кўпчилик томошабинлар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Эркин Жулиев ва Дониёр Ҳасанов ушбу ҳажвий кўрсатувнинг ҳар бир сонидаги янгича чиқишлари фикримизни исботлайди. Айниқса, кўрсатувдаги воқеаларнинг давомийлиги томошабинлар қизиқишини оширмоқда.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАРНИНГ МУДИРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

иқтисодиёт назарияси; кончилик электр механикаси; гидравлика асослари; агроинженерия; машинасозлик соҳалари касб таълими ва металлар технологияси; чизма геометрия ва инженерлик графикаси; электротехника-автоматика соҳалари касб таълими ва радиотехника; умумий информатика; тиллар (ўзбек ва рус); хорижий тиллар (инглиз, немис, француз); жисмоний тарбия.

Аризалар қабул қилиш муддати – эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, ТошДТУнинг бош биноси, 211-хона. Тел.: 396-81-42, 396-46-00.

27164/983

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдоларини эълон қилади:

1. **«4Р 213 Самарқанд — Ашхабод — Туркманбоши М-37 автомобиль йўлининг 158 км. Кармана ш. — Навоий ш. 0-3 км. оралиғини тўла таъмирлаш».**
2. **«М-37 Самарқанд — Ашхабод — Туркманбоши автомобиль йўлининг 179-183,9 км. оралиғини тўла таъмирлаш».**

Тўла таъмирлаш ишларини якунлаш муддати — 6 ой.

Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси.
Манзил: Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5. Тел.: (998 71) 139-11-12, 139-14-79.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс: (436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати – 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

27374/1036

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасаси қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

Объект номи — Каттақўрғон шаҳри 64/7-сонли муассасаси олд «фасад» қисмининг асосий тўсиқ девори қурилиши.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.
Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили — Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Д.Ишбеков кўчаси, 122-уй. Телефон: (8-36645) 5-22-18.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 2-Г корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00, факс: 31-13-51.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

27216/1025

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Д.Ишбеков кўчаси, 122-уйда соат 10.00 да ўтказилади.

Қилмиш — қидирмиш

Долларга чақилган тухумлар

Зангиотали Д.Роҳаталиева ўзича тадбиркорликнинг антиқа усулини кашф этди. Аниқроғи, ноқонуний йўл билан қўлга киритилган тухумларни долларга айлантиришни ўйлаб топди. Шу мақсадда жорий йилнинг 1 май куни 18 минг дона тухумни фуқаро И.Қурбоналиевага 500 долларга, қолганини 995 минг сўмга сотди. Бироқ харидорга чек беришни хаёлига ҳам келтирмай, жами 1 миллион 620 минг сўмни имижимида чўнтагига урди. Унинг бу қилмиши туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти (СВОЖЖДЛКҚД)нинг туман бўлими ходимлари Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказган қисқа муддатли текшириш жараёнида фош этилди.

Кейинчалик маълум бўлишича, устамон аёл бир ой ичида "Ўзбекистон" паррандачилик фабрикасидан 144 миллион 410 минг 249 сўмлик маҳсулотни нақд пулга олиб, ўз хонадонида бировларга сотган экан. Тушум пулларини эса, фабрика раҳбарияти буйруғига биноан, ушбу корхона бошлиқларининг эҳтиёжи ва ноқонуний фаолият юритаётган ишчиларга ойлик маош сифатида тарқатиш учун бериб юборган. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг182-моддаси 2-қисми ва 167-моддаси "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди. Тергов жараёнида Д.Роҳаталиеванинг паррандачиликка ихтисослашган "Ўзбекистон" акциядорлик жамияти масъулларига нисбатан берган кўрсатмаларига ҳам аниқлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Менинг нафсим балодир...

"Ҳоддил-савдо" хусусий фирмаси раҳбари Д.Ҳўжаев ҳам нафсига эрк берганлар жумласидан чиқиб қолди. У тўрт турдаги 604 шиша акциз маркали спиртли ичимликларни 2500 АҚШ доллари ва 2 миллион 490 минг сўмга пуллади-ю, лекин мижозига касса чеки ёки тўлов қоғози бермади. Оқибатда ўзаро ҳамкорликда иш юритган солиқчилар ва СВОЖЖДЛКҚДнинг туман бўлими ходимлари олдида ер чизиб қолди. У сотган маҳсулотлар эса ашёвий далил сифатида олиниб, ўзига нисбатан жиноий иш очилди.

Темирни қизиғида... сот!

Тошкент шаҳрининг шундоққина биқинида "Қатортол" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли қурилиш моллари бозори бор. Хусусий тадбиркор А.Йўлдошев ана шу бозорда олдинига 8 тонна темир маҳсулотлари сотиб, 6 миллион сўмни ҳамда 2500 АҚШ долларини нақд санаб олди. Кейинги сафар эса жами нархи 9 миллион 164 минг 700 сўмлик уч тур молни хуфёна сотувга чиқарди. Аммо режасини охиригача амалга оширолмади. Негаки, солиқчилар ва СВОЖЖДЛКҚДнинг туман бўлими ходимлари унинг фаолиятига чек қўйдилар. "Қилмиш — қидирмиш" деганларидек, А.Йўлдошев энди қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Бахтиёр АЗИМОВ,
Тошкент вилояти солиқ бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи.

MANNESMANN **МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ**
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги 27-сонли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2006 йил 2 майдаги 1569-сон билан рўйхатдан ўтган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари»га асосан

ДАВЛАТ БИОНАЗОРАТИ

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида лескадан тайёрланган тўр билан

БАЛИҚ ОВЛАШ ТАҚИҚЛАНИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

27295/1023

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Умумий хирургия, нур ташхисоти ва терапияси кафедрасининг профессори

Талъат Мирзаевич МИРЗАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

(t) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Б. Гофуров.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.50 · 12345